

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

БУХОРО ВОҲАСИДА НИКОҲ ТҶЙИ, УМУМИЙЛИК ВА ЎЗИГА ХОСЛИК

Юсупова Манзура Ўктамовна,
Бухоро давлат университети
“Жаҳон тарихи” кафедраси катта ўқитувчиси

For citation: Manzura U. Yusupova. Bukhara oasis wedding, generality and originality. 2019, vol. 1, issue 13, pp.24-31.

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-13-03>

Келиб тушган сана 5 август, 2019
Эълон қилинган сана 5 октябрь, 2019

АННОТАЦИЯ

Бухоро воҳасида анъанавий тўйларни ўтказиш билан боғлиқ бир қатор урф – одат ва маросимлар бўлиб, улар фарзанд туғилиш тўйи (“Ақиқа” беш кеча ҳам дейилади), бешик тўйи, никоҳ тўйи, пайғамбар ёши (мавлуд) тўйи қабилардир. Аслида тўй маросими ҳамиша шод – хуррамлик билан, ёшлик, гўзаллик, келажакка яхши умид ва эзгу орзулар рамзи сифатида ўтказиладиган ажойиб оилавий байрамдир. Ҳоят гўзал бўлган бу маросим барча хилдаги халқ санъати, ашула, рақс билан ўтказилади. У аслида, асрлар оша синовдан ўтган, моҳиятан чуқур ўйланган, миллий асосда нишонланадиган маросим ҳисоблансада, ҳар бир даврда такомиллашиб, муттасил бойиб келган. Р. Абазов тўйлар катта тантана қилиб ўтказилиши, 400 кишидан ортиқ қариндош – уруғ, қўни – қўшни таклиф этилиши табиий ҳол эканлиги, барча яқин ва узоқ қариндошлар, қўшнилар, ҳамкасблар, дўстларнинг, беғоналарнинг ҳам тўйга таклиф этилиши ғарбликларга қизиқ (ноодатий ҳол бўлиб) туюлиши, ҳаттоки аразлашиб қолганлар ҳам тўй баҳона ярашиб олишлари борасида ўз

фикрини билдиради ва ўзбекларга хос меҳмондўстлик, бағрикенгликни, ҳаммага яхшиликни раво кўриш каби хислатларни очиб беради.

Калит сўзлар: анъана, урф — одат, миллий қадрият, ҳайит, фотиҳа, чимилдиқ, чақириқ, қалин, сарпо, никоҳ, қуда — анда, қарши қудалик.

СВАДЬБА БУХАРСКОЙ ОБЛАСТИ, ОБЩЕЕ И СПЕЦИФИКАЦИЯ

Юсупова Манзура Ўктамовна,
преподаватель кафедры
“Всемирная история” Бухарского
государственного университета

АННОТАЦИЯ

В Бухарском оазисе имеется ряд обрядов и ритуалов, связанных с проведением традиционных свадеб, таких как празднование рождения ребенка (также называемое «Акика», пять ночей), бешик туй (ритуальное действие, связанное с первым укладыванием малыша в калыбель), никах туй (мавлуд, празднование достижения возраста пророка Мухаммеда). На самом деле свадебная церемония — это всегда счастливый семейный праздник, символизирующий молодость, красоту, надежду на будущее и исполнение желаний. Эта красивая церемония проводится с использованием всех видов народного творчества, пения и танцев. Хотя свадьба считается прошедшим через многовековые испытания, хорошо продуманным, проводимом на национальной основе ритуалом, она также совершенствуется и постоянно обогащается в каждую эпоху. Р. Абазов отмечает, что свадьбы проводятся как большие празднества, с приглашением более 400 родственников и соседей, включая всех близких и дальних родственников, соседей, коллег, друзей и незнакомцев, что может показаться интересным (необычным) для людей Запада, даже прощение прежних обид и ссор под предлогом свадьбы, и также раскрывает типичное для узбеков гостеприимство, терпимость и доброту.

Ключевые слова: Обичье, обряд, хаит (мусульманский праздник), фотиҳа (помолвка), чимилдиқ, возвание, калин (выкуп), одеяние, брак.

BUKHARA OASIS WEDDING, GENERALITY AND ORIGINALITY

Manzura U. Yusupova,
Lecturer, Department of World History,
Bukhara State University

ANNOTATION

There are several customs and habits in Bukhara oasis related with the traditional weddings, feast related with the birth of the child (“Aqiqa”, also called as the five evening), cradle ceremony, wedding ceremony, prophets age (mavloud ceremony) being most important of them. Actually, feast ceremonies are the family festivals conducted with the joy, as a symbol of youth, beauty, hope for the future and good expectations. This striking ceremony is conducted with the diverse type of folk dances, arts and poetry. In reality, even though this is a ceremony experienced by the centuries’ resistance, deeply reconsidered based on the national values, it was improved in every epoch. R. Abazov reveals that the feasts are larger ceremonies, invitation of more than 400 people – including relatives, neighbors, colleagues, friends, even strangers’ presence being natural, all close and distant relatives seem odd (interesting) to foreigners, at least people who had brawls formerly settling their differences as a result of the feast and the peculiarities of Uzbeks such as hospitality, tolerance, wishing good to everybody.

Key words: Customs, values, wedding, fatiha, first night decorations, invitation of bride, dowry, gifts for newly-weds, wedlock, in-laws

Маросим – инсоният маданияти муҳим шаклларида бири бўлиши билан бир қаторда уни ривожлантиришдаги самарали восита ҳам ҳисобланади. Маросим араб тилидаги “марсум” ((**موسرم** сўзидан олинган бўлиб, 1 – чизилган; 2 – расм қилинган; 3 – одат бўлган маъноларини англатади. Маросим – анъана ва урф – одатнинг таркибий қисми бўлиб, асосан, расмий ва руҳий кўтаринкилик вазиятида ўтади, ўзининг рамзий ҳаракатларига эга бўлади. Масалан, ақиқа – исм қўйиш маросими, никоҳдан ўтиш маросими, дафн қилиш маросими, хотирлаш маросими, экишга киришиш (уруғ қадаш) маросими, ўримга киришиш маросими ва ҳоказолар. Урф – одат ва маросимлар барқарор бўлишига қарамай, янги давр, янги тузум эҳтиёжларига мувофиқ ўзгариб ҳам боради.

Бухоро воҳасида анъанавий тўйларни ўтказиш билан боғлиқ бир қатор урф – одат ва маросимлар бўлиб, улар фарзанд туғилиш тўйи

(“Ақиқа” беш кеча ҳам дейилади), бешик тўйи, никоҳ тўйи, пайгамбар ёши (мавлуд) тўйи кабилардир. Аслида тўй маросими ҳамиша шод – хуррамлик билан, ёшлик, гўзаллик, келажакка яхши умид ва эзгу орзулар рамзи сифатида ўтказиладиган ажойиб оилавий байрамдир. Ҳоят гўзал бўлган бу маросим барча хилдаги халқ санъати, ашула, рақс билан ўтказилади. У аслида, асрлар оша синовдан ўтган, моҳиятан чуқур ўйланган, миллий асосда нишонланадиган маросим ҳисобланади, ҳар бир даврда такомиллашиб, муттасил бойиб келган. Р. Абазов тўйлар катта тантана қилиб ўтказилиши, 400 кишидан ортиқ қариндош – уруғ, кўни – кўшни таклиф этилиши табиий ҳол эканлиги, барча яқин ва узоқ қариндошлар, кўшнилари, ҳамкасблар, дўстларнинг, бегоналарнинг ҳам тўйга таклиф этилиши фарбликларга қизиқ (ноодатий ҳол бўлиб) туюлиши, ҳаттоки аразлашиб қолганлар ҳам тўй баҳона ярашиб олишлари борасида ўз фикрини билдиради ва ўзбекларга хос меҳмондўстлик, бағрикенгликни, ҳаммага яхшиликни раво кўриш каби хислатларни очиб беради.

Анъанага кўра, никоҳ тўйи маросими, албатта, совчиликдан бошланган. Совчилик – ўзбек халқининг азалдан эъзозланиб, муқаддас саналиб келаётган одатларидан бири. “Совчи” сўзининг келиб чиқиш тарихи қадимги туркийлар тилида “сўз”, “хабар”, “ҳикоя” маъноларида қўлланилган “сав” лексемаси билан алоқадордир³. Қозоқ тилшуноси Р.Сиздиқованинг фикрича, “савчи”/“жавчы” сўзининг асосида турадиган “сав” элементи туркий тилларда “сўз” маъносини билдирувчи “соз/сау” ўзагига боғланади. Самарқанд вилояти туманларида совчиларнинг илк бор келиши “эшик очар” дейилса, қайта-қайта қатнаши “ковуш йиртар” деб юритилган. Пахтачи туманидаги Сулувқўрғон қишлоғида совчиларнинг илк бор ташриф буюришини “гўсала (яъни урғочи бузоқ) излаб келибдилар”, “йитик (яъни йўқотилган нарса, киши) ахтариб келибдилар” дейдилар. Одатда, совчи бўлиб келган кишилар қизнинг ота-онасига ўз мақсадларини баён этиш чоғида: “Сиздан битта рўмол олай деб келдик”, “Қизингизнинг бошини боғлай деб келдик”, “Эшигингизни супургани қулчиликка келдик” каби ибораларни ишлатишади. Анъанага кўра, совчилар ўз ниятларини очиқ баён қилишга ўтишдан аввал ташрифдан кўзланган мақсадни эвфемик нутқ воситасида ифода қилишлари анъанавий ҳолат ҳисобланади. Совчилик, унаштириш ўзбек никоҳ тўйининг илк босқичлари саналади. “Никоҳ” арабча сўз бўлиб, “эр – хотинликни шарият йўли билан қонуний расмийлаштириш”, деган маънони билдиради.[“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”, 38]. Никоҳ тўйи маросими тузилишига кўра уч босқични ўз ичига олади.

Биринчи боскич — **никоҳ кунигача ўтказиладиган маросимлар** — бешик қудалик, қиз кўриш ёки қиз танлаш, совчилик, “нон синдириш ёки нон ушатиш”, “рўмол берди ёки оқлик бериш”, фотиҳа тўйи, қалин олиш ва маслаҳат оши ёки падар оши, “тўққиз жўнатиш”, “қиз йиғинди” (қизлар мажлиси, ёки базми, қиз оши ёки Бухорода ҳинобандон) сингариларни ўз ичига олади.

Никоҳ тўйининг иккинчи босқичи — келинни олиб келиш йўлини очувчи никоҳлашдан иборат тантанавор ўтадиган кунни ўз ичига олади. Бу босқич моҳиятига кўра никоҳ тўйининг энг олий нуқтаси — кульминацияси саналади.

Учинчи босқич — келин куёвни кига келтирилгандан кейин, яъни никоҳ кунининг эртасидан бошлаб ўтказиладиган “юз очди”, юз кўрсатар, “бет очар” ёки келин салом, куёв салом, тўшак йиғди (жой йиғди ёки Бухорода

жойғундорон), чарланди (чарлар ёки Бухорода талбон), ниҳоят, келин кўрди (ёки Бухорода келинбинон), “сеп йиғди” сингари хилма — хил маросимларни ўз ичига олади.

Ўзбек тўй маросимларини тадқиқ, таҳлил қилиш ҳам фолклоршунослик, ҳам этнографик нуқтаи назардан илмий аҳамиятга эга. Ҳозирги вақтда ўзбекларда кенг тарқалган никоҳ тўйлари, асосан, анъанавий удумларни сақлаган ҳолда янгича маросимга мувофиқ келин билан куёв розилиги, ота-оналар, яқин қариндош ва дўсту биродарлар маслаҳати билан ўтказилади. Кўп жойларда ҳозиргача амал қилинадиган анъанавий “Фотиҳа оши”, “Сарпо юбориш”, “Маслаҳат оши”, “Қуда танишув”, “Ҳайитлик”, “Қизлар базми”, “Падар оши”, “Рахт урди” (тожикларда — “рахзанон”) сингари расм — русумлар ёки тўйдан кейин ўтказиладиган “чимилдиқ (жой) йиғди”, “келин салом”, “келин кўрди”, “чаллар” ёки “куёв чақирдиқ” каби урф-одатлар, айниқса катта ва кичик тўйлар ниҳоятда кўпдир. Асосий тўй базми бошланишидан олдин расм - русумлар ўтказилиб, янги маросимга мувофиқ тўй кунини белгилангач, таклифномалар тарқатилади. Келин — куёвлар дастлаб мусулмонча никоҳ ўқитгач, дўсту биродарлари, дугоналари ва бошқа яқин кишилари иштирокида тантанали равишда расмий никоҳ рўйхатидан ўтишади. Шундан сўнг келин — куёв яқин қариндошлари, дўстлари билан бир неча энгил машиналарда шаҳар ёки қишлоқнинг гўзал жойлари, тарихий обидалари ва муқаддас жойларини зиёрат қилиб, айланиб чиқадилар. Катта тўй куёв уйида (Бухоронинг айрим туманларида келиннинг уйида), бахт уйи ёки бахт саройлари (ресторан ёки кафеларда)да ўтказилади. Фарғона, Зарафшон водийлари, Тошкент вилояти ва бошқа жойларда тўй икки жойда яъни келинники ва ку-

ёвникида ўтказилиб, эрталаб нонуштага ёки тушга ош тортилиб, кейин кечки никоҳ базмига дастурхон ёзилади. Аслида никоҳ тўйи дунёнинг барча халқларига хос маросим бўлиб, турли халқларда турлича усулда ўтказилади. Аслида эса, никоҳ фуқаровий - ҳуқуқий битим ҳисобланади, шу сабабли уни расмийлаштириш оила қонунчилиги билан эмас, балки фуқаро қонунчилиги билан белгиланиши туфайли никоҳ ёши ҳам турли мамлакатларда турлича белгиланган. Масалан, никоҳ ёши Францияда аёллар учун 15, эркаклар учун - 18; Италияда аёллар учун - 14, эркаклар учун - 16; Германияда аёллар учун — 16, эркаклар учун - 21, АҚШнинг турли штатларида турлича, масалан, 14 — 18 ёки 15—21 ёш доирасида белгиланган. Ўзбекистонда эса 1998 йилги “Ўзбекистон Республикаси никоҳ кодекси” нинг 15 — моддасига кўра, қизлар учун 17 ва йигитлар учун 18 ёш — никоҳга кириш ёши этиб белгиланди [9,104].

Бухоро воҳаси аҳолисининг никоҳ тўйи маросимлари Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларидаги аҳолининг никоҳ тўйи маросимлари билан ўхшашлик томонлари бўлсада, лекин ўзининг урф — одат ва расм — русумларнинг ўзига хослиги билан ажралиб туради. Воҳа аҳолиси никоҳ тўй маросимларида тўй бошланишидан тўй тугагунича бўлган даврдаги маросимларни ва уларда пишириладиган маросим таомларни уч гуруҳга: никоҳ тўйигача ўтказиладиган урф — одатлар ва уларда пишириладиган маросим таомлари, никоҳ тўйи даврида ўтказиладиган удумлар ва уларда пишириладиган маросим таомлари, никоҳ тўйидан кейин ўтказиладиган расм — русумлар ва уларда пишириладиган маросим таомларига бўлиш мумкин. Фотиҳа қилинган қизга йигитнинг оиласи томонидан байрам кунлари (Рўза ва Қурбон ҳайити) да ҳар хил совға — саломлар (“ҳайитлик”) юбориб турилган[8].

Албатта, бундай никоҳ тўйлари жуда ҳам катта харажат талаб қилади. Одат тусига кирган мазкур маросимлар кўп болали оилалар учун анча оғир юк бўлиб, кўпинча уларнинг қарзга ботишига олиб келади. Ҳозиргача сақланиб келган қалин эса унинг устига яна ҳам ортиқча харажат бўлиб юкланади. Бухоро воҳасининг айрим ҳудудларида (Қоракўл, Олот туманларида) бу “Куёв совғаси”, ёки “Сут ҳақи” деб замонавий шаклда намоёиш қилинмоқда. Аслида қалин исломгача туркий халқлар орасида кенг тарқалган одатлардан бири ҳисобланади. Масалан, VI асрга оид “Ўрхун - Онасой” ёзувларида, Махмуд Қошғарий асарларида тилга олинган. Баъзи тадқиқотчилар қалинни аёлларнинг жамиятдаги қадр — қимматини иш кучи сифатида баҳолаш билан боғлиқ деса, айримлари уларнинг ижтимоий тенгсизлиги бошланиши билан юзага келган, деган фикрни билдирадилар [10, 240].

Буни асослаш учун қадимий одат бўйича қалин ҳақи учун ишлаб бериш ёки пул шаклида тўлашга мажбур бўлиш мисол қилиб кўрсатилади. Айрим пайтларда қалин ўрнига ўзаро қиз алмаштириш, яъни қарши қудалик одатига амал қилиб қалин тўланмаган. Ислом дини пайдо бўлгач, қалин тўлаш қонунийлаштирилган. Бу одат ҳозиргача сақланиб келинган, айниқса Жанубий Ўзбекистон, Хоразм ва Қорақалпоғистонда мавжуддир. Тарихимизга назар ташласак, Бухоро амирлигида никоҳга кириш асосан маҳр ва қалинни тўлаш билан боғлиқ бўлган. Ислом ҳуқуқи бўйича фақатгина маҳр тўлови тан олинган. Маҳр — бу никоҳ совғаси бўлиб, тўй куни қайлиқ томонидан келинга берилиши лозим бўлган совға тури. Хотин киши маҳрни пул шаклида ёки нархи 10 тангадан кам бўлмаган миқдордаги мулкни талаб қилишга ҳақи бўлган. Маҳрнинг ўлчами томонлар розилиги билан ҳам белгиланиши мумкин бўлиб, никоҳ тузилиши жараёнида маълум қилинган. “Маҳр аёл кишининг шахсий мулки ҳисобланган”. Қиз ўзининг маҳри билан, одатда ашё кўринишидаги шахсий мулки билан эрининг уйига ташриф буюрган. Маҳр унинг шахсий мулки бўлганлиги учун уни ажралиш пайтида ўзи билан олиб кетиш ҳуқуқига эга бўлган. Бухоро амирлиги ҳудудида яшовчи ўзбеклар ва бошқа халқларда маҳрдан ташқари шариат бўйича тартибга солинадиган, никоҳга киришнинг қўшимча шарти сифатида тан олинган мажбурий тўлов тури қалин пули мавжуд эди. Қалин куёв томонидан келинга тўланмасдан, балки унинг ота-онасига берилган. Қалин пули келиннинг ота-онасига уни тарбия қилиш, боқиш ва бошқа харажатларни қоплаш учун тўланадиган тўлов тури сифатида қабул қилинган. Қалин пулининг миқдори ўтроқ халқларга нисбатан кўчманчи халқларда кўп бўлган.

Этносоциологик тадқиқотларга қараганда, қизларнинг кўпчилиги умр йўлдошларини ўзлари танлаб, турмуш қуришни истайдилар ва қалинни қаролайдилар, аммо айрим қисми қалинни моддий ёрдам деб, қўллаб — қувватлайди. Тожик ва рус фольклоршунослигида ҳам никоҳ тўйлари уч боскичга - тўй арафаси (досвадебный период), катта тўй (день бракосочетания) ва туй хотимаси (после свадебные обряды) га бўлиб ўрганилган.

Юқорида қайд этилганидек, барча никоҳ маросимларида келин ва куёвни “ёмон кўз” дан, назар — нафасдан сақлаш учун эскича иримлар (одатлар) дан уларга исириқ тутатиш, бадавлат, бахтли ва ширин яшашни тилаб, устидан сочқи (пул ва ширинликлар) сочиш, ували — жували бўлиш учун келин — куёв тиззасига бола ўтказиш, кўп болали аёлларнинг хизмат қилиши, куёвникига келин келганда

уни ўт (олов) атрофидан айлангириш каби одатлар ҳозир ҳам ўз моҳиятини йўқотмаган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Исмоилов Х. Ўзбек тўйлари. –Тошкент, 1994. - 140 б. (Ismoilov X. Uzbekskie svad'by. – Toshkent, 1994. – P.140.)

2. Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари. – Тошкент: Шарқ, 2002.- 240 б. (Qoraboyev U. Праздники узбекского народа. – Toshkent. Sharq, 2002. - 240p.)

3. Бўриев О. Хўжамбердиев Т. Ўзбек халқи боқий қадриятлари. – Қарши: Насаф, 2005.-195 б. (Bo'riyev O. Xo'jamberdiyev T. The eternal values of the Uzbek people.– Qarshi: Nasaf, 2005. -195б.)

4. Абдуллаев У.С. Фаргона водийсида этнослараро жараёнлар (XIX - XX аср бошлари). - Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. - 216 б. (Abdullayev U.S. Interethnic processes in the Ferghana Valley - XIX - early XX centuries. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2005. -216б.)

5. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. - Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. -272 б.(Ancient beliefs and rites of the Uzbek people. - Tashkent: Publishing House of the National Library of Uzbekistan named after Alisher Navoi, 2007. - 272 б.)

6. Жабборов И.М. Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти. – Тошкент: Шарқ, 2008. -240б. (Jabborov I.M. Uzbeks: lifestyle and culture. – Tashkent: Sharq, 2008. -240б)

7. Жўраев М., Худойқулова Л. Маросимнома. Ўзбек халқининг урф-одат ва маросимлари ҳақида қисқача маълумотнома. – Тошкент: Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, Фан, 2008. – 48 б. (Jo'rayevM., XudoyqulovaL.Marosimnoma. A brief overview of the customs and traditions of the Uzbek people. – Tashkent: Publishing House of the National Library of Uzbekistan, Fan, 2008. -48p.)

8. Ҳайитларнинг икки хили мавжуд бўлиб, халқимиз бу байрамларга азалдан амал қилиб келади. Биринчиси - Курбон ҳайити бўлиб, Катта ҳайит деб аталади. Унинг олдидан икки кун қолганда, арафа кунлар нишонланади. Ёлғон арафа, бир кун қолганда чин арафа, учинчи кун эса Ҳайит байрами қилинади. Ёлғон ва чин арафа кунлари ҳар бир хонадонда ис чиқарилиб, чалпак, талқон, палов қилинади. Яқин қариндошлар, қўшнилар бир - бирларини Ҳайит билан муборакбод этиб, таом ва пишириқлар чиқарганлар. Янги кийимлар кийганлар.